# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 13 июнь, № 115 (5535) Чоршанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июнь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва АҚШнинг кўп қиррали ҳамкорлиги жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Уильям Бернс, ўз навбатида, Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ раҳбарияти Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Батафсил суҳбат чоғида ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, икки томонлама муносабатларга оид энг долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил давомида томонлар ўзаро конструктив ҳамкорлик борасида салмоқли тажриба тўплагани таъкидланди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан икки томонлама муносабатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантириш имконини берадиган кенг қамровли ҳуқуқий асоси яратилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги мунтазам алоқалар, кенгайиб бораётган парламентлараро, давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўртасидаги кўп томонлама мулоқотлар ўзаро муносабатларни комплекс тарзда равнақ топтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда АҚШ сармояси иштирокида тузилган 240 корхона фаолият кўрсатмоқда. АҚШнинг 48 етакчи компанияси ваколатхоналари мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган. Учрашувда томонлар АҚШнинг қатор етакчи корпорацияларининг Ўзбекистон бозоридаги самарали фаолияти натижасида тўпланган тажрибага таянган ҳолда, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## Биз ва жаҳон

*Яқинда Миландаги энг йирик савдо уюшмаси — "Assolombarda" биносида Ўзбекистон иқтисодий ва сармоявий салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзбекистон — Италия" савдо-саноат палатаси кўмагида ташкил этилди.*

# Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти Миланда тақдим этилди

Маросимда Италиянинг шимолий минтақаларида фаолият юритадиган "TOSCANA NASTRI", "COMAU", "MAIRE TECNIMONT", "ALENIA AERMACCHI", "Siemens Industry Business" ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирган бошқа 23 та компания вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган маърузасининг асосий жиҳатлари билан атрофлича танишдилар.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, хорижий сармоядорлар учун мавжуд имтиёзлар, жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонасида улар учун яратилган шарт-шароитлар, шунингдек, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган бошқа истиқболли сармоявий лойиҳалар тўғрисидаги батафсил маълумотлар иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

**"Ўзбекистон — Италия" савдо-саноат палатасининг директори Л. Иперти** жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг салбий таъсири кучайиб бораётган бугунги шароитда Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий муносабатларни ривожлантириш алоҳида долзарблик касб этаётганини қайд этди. "Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиётни модернизациялаш ва хориж компанияларининг сермаҳсул фаолияти учун қулай сармоявий муҳит яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўрмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон бозори ва унинг сармоявий лойиҳалари Италия ишбилармон доиралари учун жозибадордир", дея баёнот берди Л. Иперти.

**"COMAU" компаниясининг савдо-сотиқ тараққиёти бўйича департаменти директори Ф. Анзалоне** ўзи фаолият юритаётган компания мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик бўйича кўп йиллик тажрибага эга эканлигини таъкидларкан, юртимизда хорижлик шериклар иштирокидаги бизнес тараққиёти ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини юксак баҳолади. "Хорижий инвестициялар тўлиқ давлат ҳимоясидадир, қолаверса, уларга кўплаб солиқ имтиёзлари ҳам берилади. Бу эса, табиийки, Ўзбекистон бозорига нафақат Италия, балки бутун Европа сармоядорларини жалб этиши, шубҳасиз", деди у.

**"NCTM" ҳуқуқшунослик уюшмаси вакили А. Амброси**нинг мулоҳазасига кўра, ҳозирги вақтда иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон минтақада етакчи ўринни эгаллайди. "Қонунчилик соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, иқтисодий ривожланиш борасидаги ўзгаришлар, сармоядорлар учун беқиёс имтиёзларнинг тақдим қилиниши мамлакатингиз раҳбарияти иқтисодий тараққиётга алоҳида эътибор қаратаётганининг яна бир исботидир", деди А. Амброси.

Италия компаниялари вакилларининг фикрича, Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида республикамизнинг иқтисодий жозибадорлиги йил сайин ортмоқда. Ўзбекистон — Италия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг изчил ўсиб бораётгани ҳам бунинг яққол далилидир. Тадбир қатнашчилари қурилиш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик каби соҳаларда ва бошқа кўплаб истиқболли йўналишларда қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга катта қизиқиш билдирдилар.

**«Жаҳон» АА.**
Милан

## Ярмарка

*Гулистондаги "Алпомиш" спорт мажмуасида Сирдарё вилояти ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.*

# Вилоят саноатчиларининг форуми

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мазкур анжуман тадбиркорларнинг бир-бири билан иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳамкорлар топиш ҳамда инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 155,4 миллиард сўмликка етиб, ялпи ҳудудий маҳсулотда унинг улуши 16,5 фоизни ташкил қилгани ана шундан далолат беради.

Ярмаркада вилоятдаги 132 та саноат корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган замонавий маҳсулотлар кенг намойиш этилиши баробарида, ҳудудга инвестиция киритиш ниятида бўлган сармоядорлар, шунингдек, банк, суғурта ва бошқа ташкилотлар ўз хизматларини таклиф қилдилар.

— Икки кун давом этган ярмарка маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун эришилган ютуқларни оммалаштириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда талабу таклиф мутаносиблигини белгилаб олиш борасида кенг имкониятларни яратиб берди, — дейди вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Холбоев. — Буни якунда салкам 4 миллиард сўмлик шартнома имзолангани ҳам тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

## Анжуман

*Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Moody`s" халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда халқаро амалий конференция ташкил этилди.*

# Барқарорлик – юксалиш асоси

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорига асосан ўтказилган мазкур тадбирда Марказий банк, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси, тижорат банклари раҳбарлари ва масъул ходимлари қатнашди.

Халқаро амалий конференция таваккалчиликни бошқариш услубияти, ташкилотларнинг молиявий таваккалчиликларни тартибга солишдаги ташкилий тузилмаси масалалари, шунингдек, ушбу йўналишда умумқабул қилинган халқаро стандартлар ва ёндашувлар таҳлилига бағишланди.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бир қатор ривожланган давлатлар молия-банк тизимига жиддий зарар етказди. Натижада кўплаб банкларнинг кредит ва инвестиция салоҳияти пасайиб кетди. Халқаро амалий конференцияда қатнашган "Moody`s" халқаро рейтинг агентлиги мутахассислари шундай бир шароитда Ўзбекистон банк тизими кўрсаткичлари барқарорлиги таъминланганлигини алоҳида қайд этиб, бундай жараёнда кредит таваккалчилигини бошқариш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Конференцияда, шунингдек, етакчи рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро мезон ҳамда стандартларга таянган тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш, таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Бугунги кунда республикамизнинг 26 та тижорат банки нуфузли халқаро рейтинг компанияларининг "барқарор" рейтингини қўлга киритган бўлса, шундан 11 банкка юксак баҳо "Moody`s" халқаро рейтинг агентлиги томонидан берилган. Бу эса, мамлакатимиз банкларининг халқаро молия бозоридаги иштироки кенгайиб, уларга хорижий сармоядорлар ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, "Moody`s" халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истиқболларини сўнгги икки йил давомида "барқарор" даражадаги ижобий баҳолаётгани ҳам эътиборга моликдир.

Халқаро амалий конференцияда билдирилган фикр ва тавсиялар банкларнинг фаолиятини кенгайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ўзаро ишончли алоқаларни сифат жиҳатдан яхшилаш, тизимга халқаро мезонларни жорий этишга замин яратади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ибрат

*Ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда юртимиз экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муносиб улуши бор. Албатта, тармоқ ривожига юксак эътибор қаратилаётгани, ишлаб чиқаришга замонавий, ихчам ва тежамкор технологиялар кенг жалб этилаётгани бу борада муҳим омил бўлмоқда.*

**Мебелсозлик:**

# Изланиш ва интилиш меваси

Хусусан, Тошкент вилоятида ўтган йили худди шу йўналишда 300 дан зиёд янги ишлаб чиқариш тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур корхоналарнинг аксариятида ички ва ташқи бозор талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, Ўрта Чирчиқ туманида иш бошлаган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Max plus international" корхонаси фаолиятини шу жиҳатдан эътироф этиш мумкин.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча имконият яратилган, — дейди корхона раҳбари Ойбек Жумаев. — Бундан оқилона фойдаланиб, биз ҳам ўз оилавий бизнесимизни бошлашни ният қилгандик. Бозор талабларини ўрганганимизда, замонавий мебелсозликда ишлатиладиган асосий воситалар юртимизга четдан келтирилаётгани, бу катта валюта сарфига ҳамда мамлакатимизда тайёрланаётган мебеллар таннархи ошиб кетишига сабаб бўлаётгани маълум бўлди. Ушбу ҳолат фаолиятимиз йўналишини белгилашга асос бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# Фуқаролар манфаати ва қонунчилик

Яқинда "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг Рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома кучга кирганi муносабати билан таҳририятимизга газетхонлар мурожаат қилиб, мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенг маълумот беришни сўрашган эди.

## Бизнинг интервью

*Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий прописка билан боғлиқ тартиб-қоидалар хусусида батафсил ахборот олиш учун мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи, полковник Бадриддин Шорихсиев билан суҳбатлашди.*

— Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг Рўйхати тўғрисида"ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг Рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорига мувофиқ, фуқароларимизни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартибини белгилаб беради.

(Давоми 2-бетда).

## Семинар

*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва "Солиқ инфо" газетаси таҳририяти "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда ушбу молиявий тузилма бухгалтерлари учун "Банк фаолиятида солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзуида бир ҳафталик семинар ўтказмоқда.*

# Бухгалтерлар ўқуви

Таъкидлаш жоизки, молиявий тузилмалар солиқ тўловчи сифатида деярли ҳар бир солиқ тури бўйича ўзига хос хусусиятга эга. Агар оддий солиқ тўловчиларда солиқни ҳисоблаб чиқишда ҳисобварақ асос қилиб олинадиган бўлса, тижорат банкларида барча солиқлар ҳисоб-китоб йўли билан амалга оширилади. Масалан, тижорат банклари учун ҳисобварақлар режасининг Молия вазирлиги томонидан эмас, балки Марказий банк томонидан тасдиқланиши ҳам банклар фаолиятининг ўзига хослигидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ ҲАЖМИ ОШАДИ

***Мустаҳкам оила йилида аҳолининг муҳим рўзғор буюмлари, хусусан, электр-маиший техникаларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида республика тижорат банклари томонидан***

**30 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари ажратилиши кўзда тутилган.**

Мазкур кредитлар уч йил муддатга энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоригача берилиши аҳолининг, айниқса, ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг ижтимоий-маиший шароитини янада яхшилаш имконини яратади.

# Туризм имкониятларини кенгайтириш – долзарб вазифа

*Мамлакатимизда туризм иқтисодиётнинг тез ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланмоқда. Зотан, юртимизнинг Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани, бебаҳо тарихий, маданий ва табиат ёдгорликлари мавжудлиги мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Бу ҳақда Навоий шаҳрида вилоятнинг туристик салоҳиятини ривожлантириш истиқболларига бағишланган йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтилди.*

## Парламент ҳаёти

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари, Ташқи сиёсат масалалари қўмиталари ҳамда "Ўзбектуризм" Миллий компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Йиғилишда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг доимий комиссиялари раҳбарлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, туризм соҳаси мутахассислари ҳамда экспертлари, шунингдек, хусусий туристик ташкилотлар, туроператорлар уюшмаси, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Тадбирда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида туризм хизматлари бозорини шакллантиришга йўналтирилган туб институционал ва сифат ўзгаришлар амалга оширилди. Тармоқда бозор муносабатларини қарор топтириш, хусусий туроператорлар фаолияти учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда янги сайёҳлик йўналишлари очилаётганлиги, кўплаб замонавий меҳмонхоналар қад ростлаётганлиги ҳамда ишлаб турганлари реконструкция қилинаётганлиги ва кенгайтирилаётганлиги тармоқни янада ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Пировардида юртимизнинг кўҳна тарихи, бой меъморчилиги ва ўзига хос маданияти билан танишиш истагида бўлган сайёҳлар оқими йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

— Ўтган 2011 йилда туризм ташкилотларининг хизматларидан фойдаланган хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар сони 1 миллион кишидан ошди, — дейди "Ўзбектуризм" Миллий компанияси раиси ўринбосари А. Темирходжаев. — Шу билан бирга, сайёҳларга хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръатлари ўтган йилдагига нисбатан 5,4 фоизни ташкил этди.

Чиндан ҳам, бу соҳада фаолият олиб бораётган янги хўжалик юритувчи субъектларнинг сони изчил кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда юртимизда 862 та сайёҳлик ташкилоти иш олиб бораётган бўлиб, шуларнинг 529 таси туроператорлик фаолиятини амалга оширмоқда, 333 таси эса меҳмонхона хўжалигини юритиш билан шуғулланади.

Йиғилишда туризм салоҳиятини кенгайтириш мамлакатимизни муваффақиятли ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу вазифани ҳал қилиш сайёҳликни ва транспорт қатновини янада тараққий эттиришни, халқаро туризм соҳасини тартибга соладиган қонунларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган тизимини яратишни талаб қилади.

— Навоий вилоятидаги маданий ва тарихий ёдгорликлар, кўҳна обидаларнинг ёши бир неча асрларга тенг, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Н. Тоғаева. — Хусусан, ушбу макондан қуйи палеолит даврига оид дастлабки одамлар суяк қолдиқлари, меҳнат қуроллари, манзилгоҳлари ҳамда қоятош тасвирлари топилган ва археологлар томонидан ўрганилмоқда. Навоий шаҳридан 20 км. шимолда жойлашган Қоратов, Учқудуқ, Учтут, Қизилқум, Лавликон ва Сармишсой қоятоши каби жойлар ана шундай маданий ёдгорликлардан саналади.

Тадбирда Навоий вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Вилоят ҳудудида Деггарон мажмуи, Сармишсой қояга ўйиб ишланган расмлари (петроглифлари), Чашма мажмуи ва бошқа шу каби тарихий қадамжолар билан бир қаторда, балиқ овлаш, туризмнинг бошқа фаол турларини ташкил этиш учун ҳам етарли шароит мавжуд. Айниқса, Айдаркўл соҳилидаги экзотик ўтов лагерлари сайёҳларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Навоий вилояти бўйича 2011 — 2012 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш ва туризм хизматларининг экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан манзилли тадбирлар дастури доирасида минтақада туризмни ривожлантиришга 3,795 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этиш назарда тутилмоқда. Ушбу Дастурда туризм объектларига олиб борадиган йўлларнинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, хорижлик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотаётган қадимий Сармишсой петроглифларига олиб борадиган йўл таъмирланади. "Навоий" темир йўл вокзалини реконструкция қилиш, "Мароқанд — Навоий" темир йўлини электрлаштириш ҳамда мазкур йўналишда тезюрар поезд қатновини йўлга қўйиш ҳам ҳудудда сайёҳликни равнақ топтиришда айни муддао бўлади.

Шу билан бирга, анжуман қатнашчилари соҳага янада кўпроқ инвестициялар жалб этиш, кадрлар тайёрлаш, туризм хизматлари сифатини ошириш, республикамизнинг сайёҳлик салоҳиятини дунё миқёсида кенг тарғиб қилиш, шунингдек, халқаро сайёҳлик ташкилотлари ва чет эллик шериклар билан ҳамкорликни кучайтириш, минтақаларнинг бу борадаги салоҳиятини диверсификациялаш ҳамда ривожлантиришни янада кучайтириш бўйича таклифларни муҳокама қилдилар.

Муҳокама якунлари бўйича халқаро бозорга тақдим этилаётган туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ва жозибадорлигини ошириш, шунингдек, Навоий вилоятининг сайёҳлик инфратузилмасини тараққий эттириш билан боғлиқ тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мамлакатимизда:

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

#### Қорақалпоғистон Республикаси

*Кегейли тумани тиббиёт бирлашмасида амалга оширилган реконструкция ишларидан сўнг 130 ўринли муассаса замонавий кўринишга эга бўлди.*

### Эл саломатлиги йўлида



Маҳаллий инвестиция дастури доирасида бажарилган 2,4 миллиард сўмлик ушбу лойиҳа самараси ўлароқ, беморлар учун барча қулайликлар яратилди. Шунингдек, "Саломатлик — 2" ва "Саломатлик — 3" лойиҳалари асосида бу ерга 200 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар олиб келинди.

— Давлатимизнинг юксак эътибори ҳамда ғамхўрлиги туфайли тумандаги мавжуд 20 та қишлоқ врачлик пунктининг 16 таси замонавий қиёфа касб этди, — дейди Кегейли тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари М. Досберганов. — Муҳими, барчаси сўнгги русумдаги тиббиёт жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

#### Сурхондарё

*Деновдаги "Мароқанд Денов" хусусий корхонасида банкнинг 350 миллион сўм маблағи ҳисобига паррандачилик йўлга қўйилди.*

### Парваришнинг илғор усули

Ҳозир бу ерда Самарқанддаги ҳамкор корхонадан келтирилган 3 минг дона бройлер жўжа парваришланмоқда. Йил охирига қадар улар сонини 25 мингтага етказиш кўзда тутилаётир.

Корхонада паррандаларни парваришлаш жараёнлари компьютер технологиялари асосида ташкил этилган. Эътиборлиси, жамоа аъзоларининг 10 нафари коллеж битирувчиларидир.

Айтиш лозимки, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда тармоқни ривожлантириш ҳисобига 117 та иш ўрни ташкил этилди.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

#### Жиззах

*Зомин туманидаги Янгиовул қишлоғида жойлашган "Шаҳзода Комронбек" корхонасида музқаймоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

### Қишлоқда музқаймоқ цехи

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 225 миллион сўм сарфланди. Ҳозир бу ерда 10 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Улар томонидан кунига бир тонна сут қайта ишланиб, 10 турдаги музқаймоқлар тайёрланаётир. Ўтган вақт мобайнида жамоа томонидан 60 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

Жорий йилнинг 5 ойи давомида туман бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 20 га яқин лойиҳа амалга оширилиб, ўнлаб иш ўринлари ташкил этилди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Семинар доирасида қўшилган қиймат солиғи ва мол-мулк солиғи, фойда солиғи каби солиқ турларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтайлик, банклар ҚҚС бўйича имтиёзларга эга бўлишидан қатъи назар, улар кўрсатаётган хизматларнинг баъзи бир турларига қўшилган қиймат солиғи солинади. Шу муносабат билан бухгалтерия ҳисоби ва банк молиявий сиёсатини амалдаги қонунчилик талабларига мос равишда юритилишини таъминлаш учун у ёки бу даромадлар тузилмасини аниқ тушуниб олиш зарур.

## Бухгалтерлар ўқуви

Мол-мулк солиғининг ҳисоб-китоби борасида ҳам кўплаб саволлар юзага келади. Чунки банкларнинг ўз активидан ташқари, банкларда гаровга қўйилган мол-мулк ҳам ҳисобда туради. Бунда бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ўтказилганда, мазкур объектлар билан бирга, ушбу объектлар эгаллаб турган ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ҳамда улардан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтказилади.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлатнинг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан банк тизимининг самарали фаолиятига, жумладан, ундаги кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Мазкур тадбир айнан банклар молиявий барқарорлиги учун бевосита жавоб берадиган ходимлар профессионал маҳоратини оширишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Давлат солиқ қўмитаси**
**Ахборот хизмати.**



Мебелсозлик:

## Изланиш ва интилиш меваси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қисқа муддатда цех қурилиши бошланди. Тижорат банки лойиҳа рўёби учун 200 миллион сўм кредит ажратди. Тадбиркор хитойлик ҳамкорлар билан келишиб, корхонага 250 минг АҚШ долларилик энг сўнгги русумдаги технологик линияларни келтириб ўрнатди. Ускуна ва жиҳозларни монтаж қилиш чоғида ишга жалб этилган 20 нафар қишлоқ ёшлари хорижлик мутахассислардан замонавий технологияларни бошқаришни ўзлаштирди. Ниҳоят, янги цехдан янги маҳсулот — замонавий мебелсозлик саноатида кенг фойдаланиладиган ламинатланган МДФ плиталари чиқа бошлади.

Эътиборлиси, "Max plus international" қисқа фурсатда ички бозорда довруқ қозонди. Бу ерда тайёрланаётган, хорижникидан асло қолишмайдиган бежирим ва сифатли маҳсулотларга яқин-олисдаги мебелсозлик корхоналари қизиқиш билдиришди. Жамоа йил якунига қадар буюртмачиларга 20 минг квадрат метрдан кўпроқ ҳажмда мебелсозлик ашёси етказиб беришга аҳд қилган.

Бугун тадбиркор ўз фаолиятини янада кенгайтириш ҳаракатида. Бу яқин келажакда маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида маҳсулотни ташқи бозорга ҳам олиб чиқиш имконини бериши, шубҳасиз.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ.**

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## Вилоят саноатчиларининг форуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ушбу тадбир ҳар бир иштирокчи учун ниҳоятда фойдали бўлди. Масалан, Гулистон туманидаги "Деҳқонобод сифатли мебель" масъулияти чекланган жамиятини олиб кўрайлик. Жамоа, асосан, идора, уй ҳамда ўқув муассасалари учун мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Унинг раҳбари Умиджон Қўлдошевнинг айтишича, иш бошлаганига эндигина бир йил бўлганига қарамасдан, маҳсулотларни Сирдарё вилоятидан ташқари, пойтахтлик харидорлар ҳам сотиб олишаётгани корхона фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилаяпти. Хусусан, ярмарка давомида ҳам Тошкентдаги тасвирий санъатга ихтисослаштирилган лицей билан маҳсулот етказиб бериш бўйича 220 миллион сўмлик шартнома имзоланди.

Вилоят саноатчиларининг ўзига хос иқтисодий форумига айланган тадбир доирасида корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, илғор технологияларни жорий этиш бўйича ўтказган тақдимотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ.**

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унга мувофиқ, доимий прописка қилиш ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек, аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудининг муайян жойида яшаши фактини аниқлашни назарда тутади.

**— Фуқароларни пойтахтимиз ва пойтахт вилоятига доимий прописка қилиш тартиби қандай?**

— Мазкур жараён "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг Рўйхати тўғрисида"ги Қонуни иловасидаги Рўйхатга мувофиқ амалга оширилади. Шу ўринда қайд этиш зарурки, Рўйхатда назарда тутилмаган шахслар тоифаси, шунингдек, унинг 3, 5, 9 — 12-бандларига мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари Тошкент шаҳрида ҳамда Тошкент вилоятида доимий прописка қилинмайди.

Муқаддам Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан берилган рухсатномалар асосида 2012 йил 15 мартга қадар уй-жой олган, бироқ турли сабабларга кўра прописка қилинмаган фуқаролар эса Рўйхатнинг 1-бандига асосан доимий прописка қилинади. Қонун кучга киргунга қадар, яъни 2011 йил 15 сентябргача олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномалари асосида, қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ва хусусийлаштириш асосида, суд қарорига кўра, шунингдек, мазкур Йўриқномага мувофиқ уй-жой олган фуқаролар Рўйхатнинг 1-бандига асосан прописка қилинади.

**— Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари, шунингдек, васийлик ва ҳомийликдаги шахслар, уларнинг қариндошларини прописка қилиш тартиби ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— Рўйхатнинг 1-банди асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқароларнинг қариндошлари рўйхатнинг 2 — 5-бандлари асосида прописка қилинади. Қариндошлар — ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига прописка қилинади. Тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлар, яъни ота-она фарзандларининг, фарзандлар ота-оналарининг, бобо ва бувилар невараларининг, неваралар бобо ва бувиларининг уй-жой майдонига прописка қилинади. Улар белгиланган тартибдаги ҳужжатларни тақдим этади.

Вояга етмаган шахснинг хусусий мулки бўлган уй-жой майдонига унинг қариндошларини доимий прописка қилиш унинг ота-онасининг ёки васийнинг (ҳомийнинг) нотариал тасдиқланган розилиги асосида ҳал этилади. Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар — васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилинади.

**— Эр-хотинлар ўртасида доимий прописка қилиш бўйича ҳам муштарийлардан кўплаб саволлар тушмоқда.**

— Эр (хотин) — хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдонига, башарти камида бир йил биргаликда яшаётган бўлса, доимий прописка қилиниши белгиланган. Фуқаролар белгиланган тартибдаги ҳужжатларга илова тарзда эр-хотиннинг ҳақиқатда бирга яшаётган жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) ва ҳудуд профилактика инспектори томонидан имзоланган эр-хотиннинг камида бир йил биргаликда яшаётганлиги тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ маълумотнома тақдим этади.

**— Пойтахт ва пойтахт вилоятида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниши қай тартибда амалга оширилади?**

— Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар — улар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда, доимий прописка қилинади.

Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар — улар Тошкент вилоятида бошқа манзил бўйича доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат этган тақдирда, доимий прописка қилинади.

Илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар — ўқишни, ишни, узоқ муддатли хизмат сафарини тугатганидан, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келганида доимий прописка қилинади.

Рўйхатнинг 8-бандига кирадиган фуқаролар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида тураржойга, доимий пропискага эга бўлмаган ҳолда ички ишлар идоралари томонидан расмий алоқа йўллари орқали тегишли давлат нотариал идорасига юбориладиган мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги доимий прописка қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотнома асосида тураржой сотиб олиш ҳуқуқига эга. Бу фуқаролар тураржой сотиб олгандан кейин мазкур Йўриқноманинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади, бундан уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) тураржой майдони бериши тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги) мустасно.

**— Тегишли қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, кимлар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинади?**

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқаролар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинади. Улар белгиланган тартибдаги ҳужжатлар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайлаш, тайинлаш, тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхасини тақдим этадилар.

Давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга таклиф этилаётган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур фуқаролар лавозимда турадиган даврга доимий прописка қилинаётганда зарур ҳужжатлар билан бирга, давлат ҳокимияти органи, давлат ва хўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг ишга таклиф этилаётган фуқаронинг (юқори малакали мутахассис ёки тор ихтисосликдаги мутахассис) ишончлилиги кафолати билан биргаликда илтимосномаси, шунингдек, лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқдан кўчирма ҳам топширилиши шарт. Бунда мазкур Йўриқнома мақсадлари учун республика аҳамиятига молик давлат ташкилотлари деганда уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тартибга солинадиган давлат ташкилотлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ уй-жой билан таъминланган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) доимий прописка қилинади.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари илтимосномаси асосида Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида пропискага эга бўлган фуқаро ишдан озод қилинган, бошқа ишга ўтган ёки пенсияга чиққан тақдирда, қарор қабул қилингандан кейин икки кун муддатда фуқаронинг охирги доимий пропискадан ўтган жойдаги туман, шаҳар ИИБ ХЧК ва ФРБга хабар берилади.

**— Тошкент шаҳрида олди-сотди битимларини, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай?**

— Тошкент шаҳрида олди-сотди битимларини, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳадя қилишни нотариал тасдиқлаш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби агар сотиб олувчи томон Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлса, шунингдек, Тошкент шаҳри ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), рўйхатнинг 2, 5, 9 — 11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ички ишлар идорасининг доимий пропискаси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этганда, амалга оширилади.

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар доимий прописка қилинган кундан бошлаб уч йил ўтгандан кейин тураржой сотиб олган тақдирда, улар ва улар билан бирга Рўйхатнинг 5, 9, 10 ва 11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар ушбу тураржойга Рўйхатнинг 1-банди бўйича доимий прописка қилинади.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**суҳбатлашди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

***Нобель фонди директорлар кенгаши Нобель мукофоти жамғармасини 20 фоизга камайтиришга қарор қилди.***

## Мукофот жамғармаси камайтирилди

Унинг ижрочи директори Ларс Хайкенстеннинг изоҳлашича, совриндорларни мунтазам аниқлаб, уларни тақдирлаб бориш муҳим аҳамиятга эга. Аммо бунга зарур маблағни топиш эса ҳозирги мураккаб шароитда осон эмас.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда Альфред Нобель томонидан қўйилган капиталдан олинаётган даромад мукофотланганларга бериладиган маблағни тўлиқ қоплай олмаяпти. Шу боис тақдирлаш маросими ва ташкилий ишлар учун кетадиган сарф-харажат бошқа воситалар орқали қоплаб келинмоқда.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, Нобель мазкур мукофотни жорий этиш учун 1900 йилда ўзининг 31 миллион Швейцария кронаси миқдоридаги пулини банкка қўйганди.



## Ўрмон ёнғинлари ва талафот

***АҚШнинг Колорадо штатида кузатилаётган ўрмон ёнғинлари қарийб 16 минг 650 гектар майдонни қамраб олган.***

Табиий офат туфайли бир киши ҳаётдан кўз юмган, 100 дан ортиқ иншоотга зарар етган. Уларнинг аксарияти тураржой бинолари эканлиги айтилмоқда. Ёнғинни бартараф этишга 600 дан зиёд ўт ўчирувчи, махсус техникалар ва бешта самолёт жалб қилинган бўлсада, ҳали кутилган натижага эришилгани йўқ. Табиий офат ўрмонга яшин тушиши оқибатида келиб чиққан.

Худди шундай манзарани мамлакатнинг Нью-Мексико штатида ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда 15 минг гектарга яқин майдон ёнғин домида қолган.

## Инқироз касри

***Жорий йилда жаҳон авиаташиш саноати 3 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўриши кутилмоқда.***

Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси томонидан маълум қилинишича, Осиё ва океанорти давлатлари авиакомпанияларининг самарали фаолияти бунда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Европа вакиллари эса йилни 1,1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги зарар билан якунлаши мумкин. "Кўҳна қитъа"да ҳамон таъсири сезилиб турган молиявий-иқтисодий инқироз шундай салбий эҳтимолни кучайтирмоқда.



*Германия Қуролли Кучлари (Бундесвер) сафида аёл ҳарбийлар сони сезиларли даражада оширилади.*

## Ҳарбий аёллар кўпаяди

Бу ҳақда Бундесвер генерал-инспектори Фолькер Викер "Bild am Sonntag" нашрига берган интервьюсида айтиб ўтди.

Унинг таъкидлашича, мамлакат армиясининг жанговар бўлимларида хизмат қиладиган хотин-қизлар сонини 15 фоизга етказиш режалаштирилмоқда. Тиббий бўлимлар ходимларининг 50 фоизини аёллар ташкил этади.

Хизматга хотин-қизлар кўпроқ жалб этилгач, ҳарбий қисмларда болалар боғчалари сони ҳам кўпайтирилади. Бу уларга фарзандлари билан кўпроқ мулоқотда бўлиш имконини беради.

Мазкур ислоҳот қачондан бошлаб амалга оширилиши ҳозирча номаълум.

## Машиналар карвонига ҳужум

***Ливияда Буюк Британия элчиси кетаётган машиналар кортежи ўққа тутилди.***

Бенгази шаҳрида амалга оширилган ушбу ёвузлик оқибатида дипломатнинг икки нафар қўриқчиси жароҳатланди.

Бу мазкур мамлакатда фаолият олиб бораётган хорижлик элчилар ҳаётига уюштирилган биринчи суиқасд эмас. Олдинроқ АҚШ миссиясига тегишли автомобиль портлатиб юборилганди. Ўшанда расмий Вашингтон бу қўпорувчилик ортида "Ал-Қоида" террорчилар гуруҳининг қўли борлигини маълум қилган.

## 100 йил олдинги натижани такрорлади

***Испаниялик иқтидорли теннисчи Рафаэль Надаль "Катта Дубулға" туркумига кирувчи Франция очиқ чемпионати ("Ролан Гаррос") турнирининг бош совринини қўлга киритди.***



Мусобақани юқори савияда ўтказган маҳоратли ракетка устаси финалда сербиялик Новак Жоковични уч соату 49 дақиқада мағлубиятга учратиб, еттинчи бор ушбу турнирнинг бош совринига эгалик қилди.

Эътиборлиси, Надалгача худди шундай натижани бундан юз йил муқаддам франциялик Макс Декюжи қайд этган эди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●

*Тижорат банклари фаолияти самарадорлигининг муҳим омилларидан бири аҳолининг банк тизимига ишончини ошириш. Бироқ мижозлар меҳрини қозониш осон эмас. Бунинг учун, энг аввало, молия муассасаси иқтисодий жиҳатдан барқарор, инвестициявий фаол бўлмоғи керак.*

SAVDOGAR BANK

# Ишончли ҳамкор, молиявий мададкор

Ана шу тамойиллар Ўзбекистон — Германия "Савдогарбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятининг бош мезонига айлангани туфайли одамларнинг ушбу банкка бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб, мижозлар сафи ой сайин кенгайиб бормоқда. Банкнинг Тошкент вилояти филиали эришаётган ижобий натижалар бунга яққол мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, ушбу филиал жамоаси иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бермоқда. 2012 йил 1 май ҳолатига кўра, кредит қўйилмалари ҳажми 43,2 миллиард сўмни ташкил қилиб, йил бошидагига нисбатан етти миллиард сўмга ёки 120 фоизга ошгани бунинг исботидир. Эътиборлиси, кредит қўйилмаларида узоқ муддатли кредитлар улуши 85 фоизни ташкил қилмоқда. Ажратилган кредитларнинг 2,6 миллиард сўми саноат, 8,6 миллиард сўми қишлоқ хўжалиги, бир миллиард сўми савдо ҳамда умумий овқатланиш, 3,5 миллиард сўми эса қурилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилди.

Юртимиз аҳолисининг турмуш фаровонлиги, бозорларимизнинг тўкинлиги бевосита қишлоқ хўжалиги истиқболига боғлиқ. Шунинг учун мазкур соҳани ривожлантиришга давлатимиз миқёсида катта эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу жараёнда "Савдогарбанк"нинг Тошкент вилояти филиали ҳам фермер ва деҳқон хўжаликлари, чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланаётган ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётир. Жорий йилнинг 1 майига қадар мазкур соҳага 8,6 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани, жумладан, 2012 йил давлат эҳтиёжи учун пахта ва ғалла ҳосили етиштириш учун 5,3 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилгани шундан далолат беради.

## Фаолият ва рағбат

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланганига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Зотан, истиқлол йилларида тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланиб, уларга турли имтиёз ва енгилликлар берилаётгани туфайли ушбу соҳа ички бозорни иқтисодиётнинг ўзгарувчан талабларига мос маҳсулотлар билан тўлдириш, кўплаб янги иш жойлари очиб, аҳоли бандлигини таъминлашда асосий манба бўлиб хизмат қилаяпти.

Айниқса, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Банк филиали томонидан мазкур Фармон ва бошқа ҳужжатларнинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида соҳага 7,7 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилиши натижасида тадбиркорларнинг кўплаб лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди. Энг муҳими, 200 дан ортиқ иш ўринлари яратилиб, уларга, асосан, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари жалб этилди.

Таъкидлаш керакки, кўрсатилаётган юқори сифатли банк хизматлари тадбиркорларни ўз фаолиятини янада кенгайтиришга ундабгина қолмай, ҳам ўз иқтидорларини намоён қилмоқда. Буни банк филиаллари мижозлари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

Гап шундаки, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 3,3 миллиард сўмлик кредитлар ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича 210 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Икки миллиард сўм миқдоридаги маблағ эса ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 8 та лойиҳага йўналтирилган бўлса, 2,6 миллиард сўм эвазига 10 та лойиҳа доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 1,7 миллиард сўмлик кредит ажратилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, банк сармояларидан ёш тадбиркорлар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга устувор аҳамият берилаяпти. Уларга биргина 2012 йилнинг ўтган тўрт ойида 73,3 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилгани бунинг тасдиғидир.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 283,2 миллион сўм миқдорида ипотека кредитлари, давлатимиз раҳбари томонидан 2006 йил 23 мартда имзоланган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан эса 96,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бунинг ҳисобига 3 та ёш оила уй-жойли, 23 та кам таъминланган оила эса қорамол сотиб олиб, доимий даромад манбаига эга бўлди.

## Модернизация – давр талаби

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни изчил жорий этмасдан туриб, ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб бўлмайди. Шу боис юртимизда корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш масаласига устуворлик берилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўрт ойида "Савдогарбанк" Тошкент вилояти филиалининг 3,7 миллиард сўм миқдоридаги маблағи шу мақсадларга йўналтирилди. Натижада тўртта инвестициявий лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Бу саноат тармоқларида ишлаб чиқариш қувватининг ошишига, сарф-харажатларнинг камайишига, моддий ва табиий ресурсларнинг тежалишига, пировардида тайёрланаётган маҳсулотлар таннархининг пасайишига хизмат қилаётир. Масалан, "Ibratli inson" масъулияти чекланган жамиятига 1300 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилгач, паррандачилик тармоғи ривожлантирилиб, маҳсулот етиштириш ҳажми кескин кўпайди. "Zuhal Ziyo" ҳамда "Zarin invest" масъулияти чекланган жамиятларида эса банкнинг моддий кўмаги билан полиэтилен маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

"Шарқ" масъулияти чекланган жамияти ҳам филиалнинг бир миллиард сўмлик кредити эвазига хорижнинг замонавий ускуналари билан қайта жиҳозланиб, зарур хом ашё, ветеринария маҳсулотлари билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда ички бозорга юқори сифатли ва арзон парҳез маҳсулотлар чиқарилмоқда. Бу каби лойиҳалар доирасида 50 та иш жойи очилиб, шунча кишининг бандлиги таъминлангани эътиборга молик.

## Аҳолига яна бир қулайлик

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатаяптики, бугунги кунда накд пулсиз чакана тўловлар тизимида пластик карточкалардан афзал усул йўқ. Негаки, у орқали ҳисоб-китоб қилиш қулай бўлиб, накд пул айланишини камайтириш ва хизмат кўрсатиш харажатларини қисқартириш, пул маблағларини сақлаш ҳамда фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашда устунликка эга. Шу боис мамлакатимизда аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар орасида электрон тўловларни ҳаётга изчил татбиқ қилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Натижада "Савдогарбанк" пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоб қилиш тизими тобора ривожланиб бораётир.

Ҳозирги кунга қадар, масалан, банкнинг Тошкент вилояти филиали томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 53 минг донадан ошиб кетди. Бу ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 17 фоиз кўпдир. Бунда 1349 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бюджет ташкилотларида "Иш ҳақи" лойиҳаси жорий этилгани айни муддао бўлди. Ушбу корхоналарнинг 26585 нафар ишчи ва ходимига иш ҳақи ҳамда бошқа даромадлари эндиликда пластик карточкалар орқали тўланмоқда.

Аҳолига янада қулайлик яратиш, пластик карточкалар орқали тўлов тизимини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони қарийб 1340 тага етказилди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 44 фоизга оширилди, дегани. Шу билан бирга, банк томонидан тўртта банкомат ва иккита инфокиоск ўрнатилдики, улар орқали аҳоли томонидан коммунал ҳамда бошқа тўловлар электрон усулда амалга оширилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон — Германия "Савдогарбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилояти филиалида аҳолига тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича катта тажриба тўпланган бўлиб, бу унинг республика молия бозоридаги нуфузи янада ошишига хизмат қилаётир. Шундай экан, банк жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришга бундан буён ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

**Банк матбуот хизмати.**



ҚУВУРЛАР ПЎЛАТ

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР**, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97

## «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» корхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, Ҳамза шаҳарчасида жойлашган 4 000 тоннали музлаткич ускуна ва жиҳозлари қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 359 089 066 сўм.*

**2.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» корхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, Қапчуғай қишлоғида жойлашган 2000 тоннали музлаткич ускуна ва жиҳозлари қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 1 535 331 532 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 18 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

*Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 16 июль соат 18.00.*

Савдога қўйилган мулклар билан Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «Farg'ona mulk markazi» МЧЖ жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Farg'ona mulk markazi» МЧЖнинг давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй.**
**Мурожаат учун телефон: (8-373) 224-68-70. www.rmm.uz**

970А/722

Tsh 64-20438253-01: 2011

*ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:* **ООО «TAYFUN PLASTIK»**



## ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ

**«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные**

Ф/О — безналичный расчет

*ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:*

## КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах

**для производства полипропиленовых мешков,**

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

**Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.**

**КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ**

291R/161





## DST-07 DESTAS

## ТАКСОМЕТРЫ

Товар сертифицирован Узгосстандартом и внесен в госреестр РУ

Адрес: г. Ташкент, ул. А. Кадыри, 35. Тел.: (+998 71) 150-20-38, (+998 97) 428-11-10, 432-00-55. Факс (+998 71) 150-20-37. E-MAIL: avtokom@sks.uz

777R/1126

**«Ўзбекистон темир йўллари»**
**давлат-акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли**

## «НАЗАРБЕК» санаторий-профилакторийсида



**асаб касалликлари, ошқозон-ичак, нафас йўллари, аёллар ва эркаклар жинсий хасталиклари ҳамда хафақон касаллиги билан келган дам олувчилар учун турли электр муолажалар, ингаляция, маъданли сув билан ўтказиладиган ҳар хил ванна, душлар, шам-озокерит, шифобахш балчиқ аппликациялари, сауна, ҳовуз, тренажёр зали ва фитобар мавжуд.**

*Тўлов шакли — турлича (пластик карточка билан ҳам амалга ошириш мумкин).*

**Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Тарнов қўрғони.**
**Телефон: (8-371) 247-96-51. Факс: (8-370) 974-62-70.**
**Бориш йўли: «Чорсу» бозоридан 461 ва 238-йўналишли таксилар, Жанубий вокзалдан 471-йўналишли такси, «Чилонзор буюм бозори» (Ипподором)дан 235-автобус.**

*Хизматлар лицензияланган.*

900А661

## ТАРОЗИЛАР

**Micros** Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

**CAS** Корпорацияси (Жанубий Корея)

**МАССА-К** Акциядорлик жамияти

**0,0001 гр. дан 250 тоннагача**



**ЧЕГИРМАЛАР 20% ГАЧА**

**Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис**

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34, (доп. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Тўйтепа к., 5 (Давлат поликлиника бекати), тел.: (+998 71) 232-06-61, 236-04-49, 233-60-07;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+998 71) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

680R/920

## Мавсум

*Ёзни ўзгача интиқлик билан кутмайдиган бола бўлмаса керак. Чунки бу фаслнинг ҳар бир куни қизиқарли воқеа-ҳодисаларга бой бўлиши билан янада файзлидир.*

# Ҳам ҳордиқ, ҳам сабоқ

Мамлакатимизда ўғил-қизларимизнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартдаги “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ёзги таътил даврининг мазмунли ўтказилиши учун пойтахтимизда 19 та стационар турдаги оромгоҳ, 36 та умумтаълим мактаблари қошида кундузги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур оромгоҳларда 43 мингдан зиёд болалар қамраб олиниши режалаштирилган. Эътиборлиси, Оролбўйи минтақасидан келадиган икки мингга яқин болалар ҳам ушбу масканларда ҳордиқ чиқарадилар. Айни чоғда Қорақалпоғистон Республикасидан келган 200 нафар бола Учтепа туманидаги “Гулбаҳор” оромгоҳига қабул қилинди. Бундан ташқари, мавсум давомида Тошкент вилоятининг соя-салқин гўшаларидаги “Транспортчи авлод”, “Ғунча”, “Машъал”, “Билдирсой” каби оромгоҳлар ҳам қорақалпоқ фарзандларини ўз бағрига олади.

— Бу ерда бизнинг мазмунли дам олишимиз учун барча шароит яратилган экан, — дейди Нукус шаҳридаги 37-мактаб ўқувчиси Муяссар Озодбоева. — Мен оромгоҳда инглиз тили ва мусиқа тўгарагига қатнашмоқчиман. Ўтказилаётган барча тадбир ва танловлар бизларда катта қизиқиш уйғотиб, билимларимизнинг янада бойишига хизмат қилмоқда.

Ёзги мавсум давомида болаларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш учун махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ёшларнинг ўз вақтида овқатланиши, ижодий тўгараклар ва турли интеллектуал беллашувларга жалб қилиниши, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиши учун мақбул шарт-шароитлар яратилган.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Лондон Олимпиадасига тайёргарлик қизғин




*Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида олиб борилаётган ишлар ҳамда Лондон Олимпиадасига кўрилаётган тайёргарлик масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

Таъкидланганидек, мамлакатимизда маданият, санъат ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида кўплаб муваффақиятларга эришилмоқда. Масалан, 56 нафар спортчимизнинг жорий йил 27 июлидан 12 августига қадар Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритгани ана шундай ютуқларимиздандир. Чунки ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашиш ҳуқуқи ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бугунги кунда Халқаро Олимпия қўмитасига 204 давлат аъзо эканини, уларнинг барчаси, иложи борича, кўпроқ лицензия ютиб олиш учун курашишини инобатга олсак, юқоридаги рақамнинг аҳамияти нақадар юксак экани янада яққолроқ ойдинлашади. Шундай қилиб, XXX ёзги Олимпиадада вакилларимиз спортнинг 15 тури бўйича беллашишади.

Айни кунларда спортчиларимиз бўлажак баҳсларга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Уларга бу борада барча шарт-шароит яратиб берилган.

Анжуманда маълум қилинганидек, Олимпиаданинг очилиш маросимида Ватанимиз байроғини бокс бўйича кўплаб халқаро мусобақалар ғолиби Элшод Расулов олиб ўтади.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

## Маданият хабарлари

*Самарқанд шаҳридаги бир қатор умумтаълим мактаблари ўқувчилари “Ҳар бир боланинг ўз гули бўлсин!” ташаббуси билан чиқишди.*

# Болаларнинг гуллари

Унга кўра, ўқувчилар ёзги таътил пайтида гул парваришлаб, улар билан синфхоналарни безатишади.

— Икки йилдан буён ўқувчилар қалбида она-табиатга меҳр уйғотиш мақсадида “1+10” гулсеварлар акциясини ўтказиб келаяпмиз, — дейди лойиҳа муаллифи Муқимжон Орипов. — Шу йилнинг ўзида 20 дан ортиқ мактабга 4,5 минг дона гул кўчатлари етказиб бердик.

Бу хайрли ташаббус доирасида гулчилик тарихи, гулни парваришлаш йўл-йўриқлари ҳақидаги қўлланма ҳам чоп этилмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Онам айтган аллалар»

*Урганч шаҳрида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан келиб чиқиб, “Онам айтган аллалар” кўрик-танлови ўтказилди.*

Ёшларнинг миллий урф-одат ва қадриятларимизга қизиқишини ошириш мақсадида ташкил этилган танловда 21 нафар ўқувчи қиз қатнашди. Улар алла, лапар, ёр-ёр йўналишларида ўзларининг маҳоратларини намойиш қилдилар.

Якунда алла йўналиши бўйича Хива педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Р. Рўзметова, ёр-ёр йўналишида Урганч маданият ва санъат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Г. Ҳожихонова, лапар йўналишида эса Ҳазорасп педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси И. Қўзиева ғолиб, деб топилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Боғишамолда ҳайвонот боғи

**Андижон шаҳридаги Боғишамол дам олиш масканида тадбиркор Маҳмуджон Иминов саъй-ҳаракати билан ҳайвонот боғи ташкил этилди.**

— Болаларимиз сайёрамизнинг турли бурчакларида учрайдиган ноёб ҳайвонлару паррандаларни шу ерга келиб томоша қилишмоқда, — дейди Андижон туманилик Баҳромжон Қурбонов. — Африка, Жанубий Америка, Марказий Осиё ҳудудларидан келтирилган жонзотлар, хусусан, 30 дан ортиқ экзотик ҳайвонлар уларда, айниқса, катта таассурот қолдирмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**



**Унда шошилиб таваккал қилманг.**

*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

“KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

**Унутманг!**

Лицензия: RR-0001.

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**

563R/1441



● Реклама ва эълонлар ●

**Вазирликлар, идоралар, хорижий компаниялар, фирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари диққатига!**

*2012 йил 14 июндан 16 июнгача геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати соҳа корхоналари тармоқ саноат ярмаркаси бўлиб ўтади. Унда*

**«Ўзметкомбинат» ОАЖ**



**ҳам ўз стенди билан иштирок этади. Ярмарка давомида сиз корхонада ишлаб чиқарилаётган қора металлар прокати, шу жумладан, пўлат золдирлар, мис ва унинг қотишмаларидан тайёрланган маҳсулотлар, пайвандлаш электродлари, сирланган пўлат идишлар, қурилиш михлари ва «рабица» тўри каби турли хил экспонатлар билан танишишингиз мумкин.**



**Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқарилаётган ва ўрта муддатда ўзлаштирилиши режалаштирилаётган маҳсулотлар намуналари, Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарида ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий компаниялар иштирокида маҳаллий хом ашё ва саноат кооперацияси негизида ўзлаштиришга таклиф этилаётган ўтга чидамли материаллар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар сингари импорт маҳсулотлари намуналари кенг намойиш этилади.**





*2012 йил 14 июнь куни соат 15.00 да «Ўзметкомбинат» ОАЖ тақдимот маросими ўтказилади. Кўргазма «Ўзэкспомарказ» МКК 3-павильонида бўлиб ўтади.*

**Кўргазма давомида шартномалар имзоланади.**

**Барча қизиқувчиларни тадбирда иштирок этиш учун таклиф қиламиз.**

973A/376



**СП “LEADING FORCE COMPANY”**

**ЗАВОД-ИЗГОТОВИТЕЛЬ**
**ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫХ МЕШКОВ**
**НОВОГО ПОКОЛЕНИЯ**

Товар сертифицирован







**Тел.: (+99871) 237-10-06, 216-73-51, (+99890) 187-91-00**

**E-mail: leading_force@cron.uz, leading_factory@cron.uz www.lfc.uz**

847R/



*Диққат, кўргазма!*

**2012 йил 14 — 16 июнь** | **«Ўзэкспомарказ»** | **www.ngv.uz**

**ТАБИИЙ ГАЗДА ИШЛОВЧИ АВТОМОБИЛЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎРГАЗМАСИ ВА КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

**«Тинч океани — Осиё минтақаси NGV» ассоциацияси Марказий Осиёда биринчи марта дунёнинг 32 мамлакатидан 44 та компания қатнашадиган ўз кўргазмасини намойиш этади. Кўргазма ва унинг доирасида ўтказиладиган конференцияда табиий газда ишловчи ҳамда барча модификациядаги автотранспорт воситаларида муқобил энергия ва ёнилғидан фойдаланиш бўйича янги-янги ғоялар, таклифлар олишингиз мумкин.**

**Кўргазмага ташриф буюрганингизни қайд эттиришингиз билан соврин жамғармасига қимматбаҳо мукофотлар қўйилган лотерея ўйини иштирокчисига айланасиз!**

**Батафсил маълумотларни интернетдаги www.ngv.uz сайтидан ёки (8-371) 291-84-04 рақамли телефондан билиб олишингиз мумкин.**




**Экологик тоза ва муқобил ёнилғи — келажак ёнилғиси!**

969A/725






**ООО «GST OIL» —**
**официальный дистрибьютор в Узбекистане**

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

420R/320



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5